

✓ Парламент эшитуви

Давлат дастури ижроси:

тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга оширишдаги
чора-тадбирлар хусусида

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш, ижро этувчи ҳокимият тармоғининг қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик органлари олдидagi жавобгарлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Бу борада 2016 йил 11 апрелда Президентимиз томонидан имзоланган “Парламент нозорати тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамият касб этади. “Парламент нозорати тўғрисида”ги Қонуннинг асосий моҳиятини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш фаолияти юзасидан парламент нозоратини олиб бориш масаласи ташкил этади.

Мазкур Қонуннинг тегишли моддалари талабидан келиб чиқиб, 2016 йилнинг 28 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромовнинг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориш тўғрисида”ги ахборотида оид парламент эшитуви ўтказилди.

Газетаимизнинг бугунги сониди берилган давра суҳбатидида Парламент аъзоларининг парламент эшитувида кўтарилган масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Наримон УМАРОВ,
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
“Адолат” социал-
демократик партияси
фракцияси раҳбари:

— Дастлаб, алоҳида таъкидлашни истардимки, “Парламент нозорати тўғрисида”ги Қонунда сиёсий партия фракцияларининг парламент нозорати субъекти сифатида белгиланиши ва партия фракцияларига мана шундай муҳим ваколатларнинг берилиши мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайишига асос бўлди. Айнан шу ваколатдан фойдаланган ҳолда “Адолат” социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориш тўғрисида”ги масала юзасидан Парламент эшитувини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу масала бежиз танланган эмас. Сабаби, “Адолат” СДП сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга ошириш тарафдори эканлиги белгиланган.

Бош вазир ўринбосарининг ахборотида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнтаклигига кирди. Бу ушбу соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган изланишлар натижаси, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли дунё таърифида илк бор ҳиммалар аёллар таркибидида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микро-элементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Натижада вази кам болалар туғилишининг камайишига эришилди. Бундан ташқари, ирсий касалликлар ва туғма нуқсонларнинг олди олинмоқда. Болаларнинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари камаймоқда. Юртимиздаги 92 фоиз ўғил-қизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади.

Бугунги парламент эшитуви юзасидан “Адолат” социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориш тўғрисида”ги масала юзасидан Парламент эшитувини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу масала бежиз танланган эмас. Сабаби, “Адолат” СДП сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга ошириш тарафдори эканлиги белгиланган.

Бош вазир ўринбосарининг ахборотида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнтаклигига кирди. Бу ушбу соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган изланишлар натижаси, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли дунё таърифида илк бор ҳиммалар аёллар таркибидида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микро-элементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Натижада вази кам болалар туғилишининг камайишига эришилди. Бундан ташқари, ирсий касалликлар ва туғма нуқсонларнинг олди олинмоқда. Болаларнинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари камаймоқда. Юртимиздаги 92 фоиз ўғил-қизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади.

Бугунги парламент эшитуви юзасидан “Адолат” социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориш тўғрисида”ги масала юзасидан Парламент эшитувини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу масала бежиз танланган эмас. Сабаби, “Адолат” СДП сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга ошириш тарафдори эканлиги белгиланган.

си нуқтаи назарини қуйидагича баён этмоқчиман. Давлат дастурининг “Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва раванқ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш”га оид бўлимида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишига эътиборни янада кучайтириш лозимлигини қайд этиб ва бу муҳим жараёнда фракция аъзолари фаол иштирок этади.

Ёқуб УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мехнат ва
ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси, Халқ
демократик партияси
фракцияси аъзоси:



— Айтиш керак, бугунги кунда Қонунчилик палатасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан парламент нозоратини ўрнатиш амалиёти шаклланди. Юқорида таъкидланганидек, 2016 йил 12 апрель куни матбуотда расмий эълон қилинган ва кучга кирган “Парламент нозорати тўғрисида”ги Қонунда демократик принцип ва нормаларнинг ўрнатилиши натижасида, мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб, босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партиялар, хусусан, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига жуда катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Фикр-мулоҳазаларимизни билдиряётганимиз, мазкур эшитув Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йилга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун ижодкорлиги ва нозорат-таҳлил ишлари режаси ҳамда “Парламент нозорати тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Парламент эшитувида қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 3000 га яқин қишлоқ врачлик пунктлари ва кўпалак замонавий тиббиёт жихозларига эга бўлган оилавий поликлиникаларни ташкил этиш учун тизимли амалий ишлар бажарилган. 2016 йилга келиб республиканинг 38 та шахрида 173 та оилавий поликлиника ва 38 та марказий кўп тармоқли поликлиникаларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилмоқда. Туман тиббий бирлашмаларида хизмат кўрсатиш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш

давом этмоқда. Лойиҳа доирасида 157 та туман ва 15 та шаҳар тиббиёт бирлашмасини замонавий ташхис ускуналари, чикиндиларни утилизация қилиш жихозлари ва тиббиёт мебеллари билан таъминлаш, 196 та марказий туман ва шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси, 180 та шаҳар оилавий поликлиникасини жихозлаш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар врачларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича олий ўқув юртинларнинг 14 та кафедрасини дарсликлар, тақдирот жиҳозлари ва тиббиёт адабиётлари билан таъминлаш ишлари олиб боришмоқда. Бу лойиҳа доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва кейинчалик умуммиллий реализация учун асос қўйиш мақсадида айрим ҳудудларда эпидемиологик нозорат олиб бориш бўйича чора-тадбирларни кенгайтириш йўли билан юқумли бўлган касалликлар профилактикаси ва нозорати услулари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяётганини қайд этиш жоиз.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати
— Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси фракцияси
аъзоси:



— Конституциямизга мувофиқ, олий давлат вакиллик органи бўлган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи икки палатали парламентнинг шаклланиши, ижобий амалиёт вужудга келганиги натижасида парламент нозорати бора-бора ҳам илғор амалий тажриба орттирилди. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қиритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотларни эшитиш ва тегишли қарор қабул қилиш парламент нозоратининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Яқинда Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатидан келиб чиқиб, жамият ва давлат ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент эшитувини ўтказди.

“Соғлом она — соғлом бола” йўналишидаги Миллий дастурининг яратилиши, никоҳланувчи шахслар учун мажбурий тиббий кўрикларнинг жорий этилиши, оналар ва болалар тиббий муассасалари фаолиятининг, ушбу масканлардаги шaroит ва имкониятнинг замон талабларига мослаштирилиши болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, фарзандларимизнинг таълим олишига бўлган эътиборни ҳар томонлама кучайтириш, аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан,

тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг 3,2 бараварга камайгани, ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 бараварга камайгани, 2 ёшгача бўлган болалар бепул эмланаётгани, ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб ўсаяётгани эътиборга моликдир. Ёш авлод ўртасида дифтерия, қочқол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам берилди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилга икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Айни пайтда юртимизда 6500 га яқин малакали педиатр мутахассис, 1500 дан ортиқ неонатолог, 5300 нафардан зиёд акушер-гинеколог, 800 нафарга яқин болалар хирург ва стоматологлари фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайланган депутатлар мазкур йўналишда амалга оширилаётган амалий ишларни эътироф этган ҳолда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришда, айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун юқори малакали тиббий хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйишда соҳага хусусий секторни фаол жалб қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жихозлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича самарали мониторинг ишларини олиб бориш ва нозоратни кучайтириш каби вазифаларнинг ҳал этилишига эътибор қаратади.

Нодир МУХТОРОВ,
“Миллий тикланиш”
демократик партияси
фракцияси аъзоси:



— Шу ўринда алоҳида эътироф этиш керак, мамлакатимизда ҳаётта самарали татбиқ этилаётган “Соғлом она — соғлом бола” Давлат дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика иқтисос-лаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги ҳисоботида қайд қилинишича, 1990-2015 йиллар мобайнида Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоизга қисқарган. Табиийки, бу оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётини энгиллаштириш ана шу борадаги комплекс чора-тадбирларнинг ҳаётий ифодасидир.

Хабарингиз бор, 2016 йил 9 февралда Президентимизнинг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорда, олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли,

айниқса, аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш; тиббиёт муассасаларининг, жумладан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт хамшираларининг сонини кўпайтириш таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш сингари муҳим вазифалар ўз аксини топган.

Бугунги эшитувдан маълум бўлаётгани, бу вазифалар амалда бажарилмоқда.

Нурия АЙТЖОНОВА,
Ўзбекистон экологик
ҳаракатидан сайланган
депутатлар гуруҳи
аъзоси:



— Ўзбекистон экологик ҳаракатининг асосий дастурий вазифаларига соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш ва генотипни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилашга кўмаклашиш сингари муҳим масалалар кирди. Экоҳаракат “Соғлом муҳит — инсон саломатлиги” гоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва уни амалий бажарилишини таъминлашга интилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугунги парламент эшитуви мавзуси Экоҳаракат депутатлар гуруҳида алоҳида қизқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, соғлом боланинг дунёга келиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиб-ўлғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини, айниқса, соғлом онадан тутилган фарзанд соғлом бўлиб улғаяди. Тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, онанинг жисмоний, маънавий, руҳий жиҳатдан соғломлиги унинг зурриятига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Соғлом онадан интеллектуал салоҳияти юксак, ижтимоий онги, дунёқараши кенг фарзандлар дунёга келади.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан гени модификациялашган маҳсулотларнинг мамлакатимизда четдан кириб келишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида ижтимоий, юқумли ва ҳавфли ўсма касалликларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш соҳасини тақомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Парламент эшитуви жараёнидаги муҳокамалар чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориш тўғрисида”ги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган масалалар ва бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли амалий ишлар пировард натижада келажак баркамол авлодини тарбиялаш, миллий генотипни соғломлаштириш ва асраб-авайлашга, халқимиз бардавомлигини таъминлашга қаратилган — бир сўз билан ифодалаганда, фақат ва фақат эзгу мақсад учун, миллий манфаатларимиз учун хизмат қиладиган муҳим сиёсий ва стратегик аҳамиятга молик улғу вазифалар бўлиб ҳисобланади.

**Давра суҳбатини
журналист
Арслон ЭШМУРОДОВ
тайёрлади.**

✓ Фаолият

“Ягона дарча” марказлари

тадбиркорлар хизматида



МАМЛАКАТИМИЗДА кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш механизмининг соддалаштириш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Барчамизга маълумки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга катта туртки бўлди.

Фармонда давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларни хизмат кўрсатувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисони қилиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизига “Ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона марказлари” ташкил этилиши белгиланди.

Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тўбдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, 2016 йил 1 январдан бошлаб 16 турдаги давлат хизматлари фақат “Ягона дарча” марказлари орқали амалга оширилиши ҳамда ушбу хизматлар рўйхатига босқичма-босқич қўшимчалар қиритиб борилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга, адлия органлари зиммасига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини нозорат қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида вилоятда ташкил этилган 17 та туман (шаҳар) “Ягона дарча” марказларига 146 нафар, шундан 17 нафар туман (шаҳар) марказ раҳбарлари ва 129 нафар марказ мутахассислари тўлиқ суқбатдан ўтказилиб, 20 нафар ҳўқуқсўноқ, 50 нафар иқтисодчи, 12 нафар молия банк ҳамда 64 нафар солиқ ва бошқа мутахассисликларга оид малакали ходимлар ишга қабул қилинди.

Вилоятдаги барча марказлар бинолари тегишли туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари асосида марказлар балансига ўтказилди. Замонавий талаблар асосида тўла таъмирланди ва жихозланди.

Ҳаттоки, вилоятнинг чекка ҳудудлари ҳисобланадиган Улғун, Хонобод ва Бўз туманлари марказлари биноларида узлуксиз қўшимча электр таъминоти ҳамда иситиш мосламалари ўрнатилди.

Марказлар жами 594 та мебель жиҳози, 169 та компьютер, 31 та сканер, 44 та принтер, 17 та факс ҳамда видеокузатув мосламалари билан таъминланди.

Шунингдек, марказга ташир буюрган тадбиркорлик субъектлари учун компьютер хизмати хоналари ташкил этилиб, унда LEX.UZ қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Хусусан, 2016 йил 1-йрим йиллиги давомида вилоятдаги марказлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан жами 4.630 та ариза қабул қилиниб, уларга давлат хизматлари кўрсатилди. Мазкур кўрсатилган хизматлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг 4.219 та муурожаати қаноатлантирилиб, лицензиялар, рухсат берувчи гувоҳномалар, техник шартлар ва ҳулосалар олиб берилди.

Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда “Ягона дарча” марказлари томонидан ҳисобот даврида жами 8.207 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилди. Шундан, 6.421 тасининг электрон тарзда интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтказилиши таъминланди. Мазкур кўрсатилган хизматлардан “Ягона дарча” марказлари ҳисоб рақамига 1.244.799.982 сўм маблағлар келиб тушиб, ушбу маблағлар белгиланган тартибда Низом талаблари асосида фақат “Ягона дарча” марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, иш ҳақи тўлашга ва ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилиб келинмоқда.

Туман (шаҳар)лар “Ягона дарча” марказлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, вилоят Савдо-саноат палатаси ва давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда режа асосида доимий равишда семинар машғулоти ўтказиб борилиши йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 65 та тарғибот тадбири ўтказилиб, шундан 23 та семинар машғулоти, 11 та ўқув машғулоти, 5 та телевидение, 9 та радио ва 17 та газетада чиқишларни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Бу эса иқтисодий ислохотлар самарасини белгилловчи мезондир.

Мухаммадбўр КАРИМОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ўша йили аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш мавзuida ягона сиёсий кун ўтказилди. Диний, умуман, арабча ёзувдаги китобларни йиғиб олиш ва ўтда ёқиш авж олди. "Наврўз" айёми таққиланди ва унинг ўрнига "Навбахор", деб аталган замонавий байрам ўтказиш тавсия этилди. Сумалак пишарган дошқозонлар тўнкарилди. Дафн маросимида жаноза ўқиш, Оллоҳ таоло номини зикр этиш, қабртошга ҳилол тасвири солиш ҳатто чопон кийиш ман этилди.

Бусиз ҳам "ўзбек иши", "қўшиб ёзиш", деган таҳқирлар авж олган, "қама-қама" халқ юрагини ўртаб юборган эди. Устига-устак ўша кезлар марказда ўтирган "ақлли"лардан бири қабристонлар билан ҳам қизиқади: "Қаранг, қанча ер исроф бўп ётибди! Бузиб, пахта экиш керак! Ўлганларни кремация қилиш зарур!", дейди...

Пахта сиёсати шундай эди. У тириклар туғул марҳумларнинг руҳини чиқаришдан ҳам тоймаган. Шундай бир олатасир кунлар, яъни 1989 йилнинг 17 августда Тошкентда Республика ҳукуматининг кенгайтирилган мажлиси қачирлади. Мажлисни кечагина Республика раҳбари ла-возимиди иш бошлаган Исро Каримов олиб боради. Йи-ғилишда аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратилиш масаласи муҳокама қилинади ва қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқна тар-тибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яра-тиб бериш ҳақида қарор қабул қилинади. Ўшбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 бар-обар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йил-ларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берил-ди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалалар ана шундай оқилона ёндашув туфайли минг-минг-лаб оилалар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда махсу-лот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ихтимо-ий кескинлигининг олдини олишга эришилди.

Бундан ташқари, техник экинлар экиладиган ерлар май-донни юз минглаб гектарга камайтирилиб, пахта етишти-риш рехаси 700 минг тоннага пасайтирилди. Бу — пахта яқна ҳаққончилигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўша муҳим амалий қадам эди. Ўша вақтдаги аксарият қол-хоз раислари унинг ижросини пайсалга солган. Сабаби, бундай бўлишини улар ҳатто тасаввур ҳам қила олишма-ган. Чунки у замонда пайкални бузгани, ёки бўлмаса, бир-икки кўракни нобуд қилгани учун қамалиб чиққан одам-лар бор.

Тўқсонинчи йиллар. Қиш оёклаган кезлар. Навоийга бордим. Самолёт аэропорт устида айланиб олаётганида яшиллик барқ урган майдонлар кўзга ташланди. Жуда бош-қача манзара эди.

Қишлоқда йўл олган, йўлнинг кунчиқарида пайкаллар-га, жўяк ичига галла экилганини, у гўзалроқ орасида барқ уриб турганини кўрдим. Кунботиш тарафда эса янги уйлар қад ростлаб бошлаган, яъни кимдир пойдевор қўйган, кимдир ҳатто деворини қўтарган эди...

Хаётга биринчи янглик шундай кириб келган, ёки бўлмаса, пахта сиёсатининг "чоки" шундай сўтилган эди.

Қаранг, ўтган йиллар ичида қанча ўзгариш бўлди. Бирок мамлакатимизда бир қанча туманлар пахтачиликдан халос этилиб, богдорчилик, мева-сабзавотчилик, умуман, ноз-неъматлар етиштиришга ихтисослаштирилганида, безовата бўлган одамлар ҳам бўлди. Ҳосилдор заминни тежаш ке-рак-ку, энди пахта нима бўлади, дейдиганлар ҳам топи-лди. Бунинг сабаби эса битта эди: пахтага қуллиқ, пахта сиёсатининг қон-қонимизга сингдирилганлиги.

Мени бу мавзунинг тадқиқ этишга ундаган мана шу ўй-хаёл, мана шу кечинма!

Туркистонни пахтанинг қулига айлантириш замирида уч дарёни бўғиб ташлаш, денгизни қуритиш, шу тарика бу заминда яшаётган халқни қарам қилиш сиёсати ётади. Бу — яқин ўтмишда, яъни собиқ Иттифок даврида бошланган эмас, бу — азалдан бор гап.

Сийбачилар орасида гоҳ пинхон, гоҳ ошкор бир суҳан айланиб туради: "Евроосиёга қим эгаллик қилса, дунё тақ-дирини ўша ҳал қилади". Николас Спайкмен эса уни би-роз соддалаштириб, "Евроосиё сув манбалари кимнинг қўлида бўлса, дунёни ўша бошқаради", дея баён этиди.

Очиқ айтганда, Сирдарё, Амударё ва Зарафшонни ким жиловлай олса, Икки дарё унинг измида бўлади, деган фикр бу.

1872 йил 14 ноябрда Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман император Александр II га: "Биз Орол ҳақида ўйлашимиз керак! — деб хат ёзади. — Шундай қийайлик-ки, Амударё билан Сирдарёнинг суви пахтзорларда қуриб битсин! Оролга бўлса, Сибир дарёларини оқизган маъ-қул. Шунда биз Туркистонни ҳаммаша қўлда тутиб тура-миз. Ва Русияга қарам қилиб оламиз".

Мана шу сиёсат асрлар давомида ҳукм сурди. Уч дарё-га банд солиб қурилган сув омборлари, қумга сингиб ке-тувчи Қорақум канали, Сирдарё сувининг Арнасайга таш-ланиши, Айдарқўлнинг ҳосил бўлиши — шу сиёсат махсу-

ли. Оқибат, Орол денгизи қуриди. Иқлим ўзгариб, хил-хил касаллик урчиди. Пахта яқна ҳаққончилиги тупроқни ўлдир-ди. Унинг мелиоратив ҳолати ҳеч кимни ўйлантирмай қўйди. Алмашлаб экиш унутилди. "Гулистон" журналининг 1988 йил май сониде ёзишча, суғориладиган ер рекон-струкцияси қўл учиде қилиниши 752 минг гектар дала қучли ва ўртача шўрланишига олиб келган. Ҳосилдор ер қўлами 45 фоиздан 36 фоизга тушиб қолган. Кўп-кўп май-дон яроқсиз ҳолга келиб, унумдорлик кескин камайган.

Каналлар эса ерининг шўрини чиқарган ва шўр сувни дарёларга қўйган.

Бундан ташқари, ҳар йили ерга тонналаб пестицид ва гербицид солинган, гўза баргини тўкиш учун кўп-кўп де-фолиант сеппилган. Заҳиротил эса аҳоли саломатлигига қажатқич зийн етказди.

Ўзбекистонда фақат 70-80 йилларнинг ўзиде ҳар гек-тар ерга солинган гербицид — 2,2, дефолиант — 16,2, инсектицид — 36 килограммни ташкил этади.

Энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг. Ўша вақтлар 4 мил-лион гектардан ортиқ майдонга пахта экилган. Ва энг зар-рарли дефолиант — бутифос қўлланилган.

Республикада оналар ва болалар ўлими, камқонлик, юқумли сарик ва жигар-буйрак тоши, ошқозон-ичак, тиф ва паратиф, қочқол ва бруцеллез каби касалликлар кенг ёйилган. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1988 йил 4 ноябрь сониде Қорақалпоғистон аёлларининг 90 фоизи анемияга мубтало бўлганини таъкидлайди. На-воий туманидаги "Қизил Ўзбекистон" қолхозиде эса 2315 нафар бола бўлиб, уларнинг 45 фоизи организмни касал оқтирмамаслик ва касалга қарши курашиш, яъни иммунитет ҳосил қилиш қобилиятинида маҳрум бўлган. Бу қулфатни келтириб чиқарган — пахта яқна ҳаққончилиги! Ва уни во-сита қилиб, заминга сеппилган турли заҳиротил, албатта!

Қон ютиб, заҳар ютиб мислсиз ҳосил етиштирасан, аммо дўқонда қафаникка сурп топилмайдми! Хўш, буни қандай тушуниш мумкин?!

2.

Мана шу ҳақда ўйлаганда галла мустақиллиги, айниқса, сархил ноз-неъмат етиштиришдек эзгу ниятда қилинаёт-ган собитқадам ҳаракат қўнгилга ёруғлик бағишлайди. Мазъулнинг, 1991 йил республикада атиги 940 минг тон-на галла етиштирилган. Яъни, озиқ-овқат борасиде у мар-казга тугал қарам бўлган. 2003 йилдан бошлаб Ўзбеки-стон ўзини ўзи дон билан тўлиқ таъминлаб, галла муста-қиллигига эришди. Ва галла экспорт қилувчи давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олган. 2013 йилга келиб, мам-лакат галла хирмони 7 миллион 610 минг тоннани ташкил этди.

— Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ ҳўжалиги етиштиришдек эзгу ниятда қилинаёт-ган ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаёт-гани, энг муҳими, ҳомашё ва экспортбўл махсулот бўлимиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақла-ган ҳолда бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етишти-ришини бир неча баробар кўпайтириш имконини берди, — дейди Президент Исро Каримов. — Энг муҳими, халқи-мизни озиқ-овқат махсулотлари билан тўлиқ таъминлаш-га замин тўғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатлар-га экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, галла етиш-тириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка — 3,1 марта, сабзавот — 3,2 баробар, узум — 2 марта, гўшт ва сут — 2,1 карра, тухум — 3,4 баробар ошди.

Қаранг, бу хайрли ишлар нимага йўл очди?

Бугун диёримизда юздан зиёд турдаги мазали нон ва нон махсулотлари тайёрланмоқда. Масалан, дейлик, қанди диабет ёки ошқозон-ичак хасталигига чалинган кишилар учун майдаланган бугдой ва кепак аралашмасидан кўркам шакл ва турли ҳажмдаги нон махсулотлари, ошқозон-ичак касаллиги учун эса тузи кам, қотирилган нон ишлаб чи-кариладиган бўлса, буйрак, юрак-қон томир хасталигига тузи кам тешиқ қулча-ю қотирилган сифатли нон ҳар бир дўқон пештоқида мавжуд. Бу борадаги изланишларнинг қўлами жуда кенг...

Сир эмас, бугун глобал исш ва иқлим ўзгариши, таби-ий офатлар, сув таққиллиги ва чўлланиш, ёнгин ҳамда қурғоқчилик озиқ-овқат таққиллигини қўчайтирмоқда. Айни вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни ҳукм сурмоқ-да. Оқибатда дунё бозориде озиқ-овқат махсулотлари нар-хи кескин ошиб бораётир. БМТнинг қайд этишича, 54 та мамлакатда оилалар моддий аҳволи ёмонлашмоқда. 20 дан зиёд давлат аҳолиси очликдан азият чекаётир. 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр қўриши қисқарган. Сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 900 миллион нафари тўйиб таом еган эмас...

Мана шундай вазиятда, 2013 йилнинг I-чорагиде 1848,3 гектар майдонда янги боглар, жумладан, 873,9 гектар ин-тенсив бог-роғ, 4,7 минг гектар тоқзор, 48 гектар май-донда 53 та иссиқхона барпо этилди. 3,1 минг гектар ердаги бог-роғ ва 5 минг гектар тоқзор реконструкция қилинди.

1,3 минг гектар сунъий ва 4,6 минг гектар табиий сув ҳавзасиде балиқ етиштиришга доир 345 та лойиҳа, шунингдек, асаларчилик ҳўжаликлари ривожини учун 255 та лойиҳа амалга оширилди.

Ва ўша йилнинг I-чорагиде сабзавот етиштириш 10,8 фоизга, гўшт 6 фоизга, сут 6,7 фоизга, тухум 13,5 фоизга

ошди. Йирик шохли қорамоллар сони 4 фоизга ўсиб, 10,6 миллион бошни ташкил этди.

Бундан қувониш керакми, йўқми?

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасиде иқтисодий ис-лохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги Фармони мазкур соҳа ривожиде янги босқич очди. Ширин-шакар мева-чева, полиз ва сабзавот етиштириш эмас, балки уни қайта ишлаш кенг қўлам касб этди. Ҳозир шунга ихтисослаштирилган икки юздан зиёд қорхона ва ишлаб чиқарувчи фаолият юритмоқда. Витаминга бой мах-сулот тури кундан-кунга кўпаймоқда. Хил-хил мураббо ва мева шарбатлари эҳтиёждан ортиб, мамлакатнинг экспорт салоҳияти кўтарилди.

Заҳира махсулотларини жамғариш ва уларни сифатли сақлаш мақсадиде "Ўзугуржисавдоинвест" уюшмаси таш-кил этилди. Унинг таркибиде 57 та ҳудудий улгуржи савдо базаси ва ихтисослаштирилган замонавий қорхона мав-жуд. Демокчимизки, совуқхонада сақламаса ҳам айнимай-диган ноз-неъмат учун 116 минг квадрат метр ҳажмга эга махсус иншоотлар, шунингдек, 70 минг тонна ризқ-рўзни керак вақтга бир ҳолатда сақлайдиган совуқчилик омборхоналар мунтазам ишлаётир.

Ўтиш даврида адоқсиз ноз-неъмат ҳўжасизлик "қурбо-ни" бўлгани айни ҳақиқатдир. У вақт мева-чевани сувтекин олиб, тилло баробариде четга чиқарувчи гуруҳлар унинг ҳўзурини кўрди. Ҳозир бу жараён қатъий тартибга солин-ди. Яъни, давлат ташаббусни қўлга олди. Ва миришкорга ҳам, эл-улуга ҳам манфаатли тизим вужудга келди.

Қаранг, 2014 йил миришкорлардан 65 минг, 2015 йил эса 70 минг тонна ноз-неъмат харид қилинди. Ва у замо-навий совуқчи иншоотларида сифатли сақланди. Вақти келиб, харидорларга ҳавола этилди.

Айтиш керакки, бу тизим кундан-кунга куч олаётир.

Пойтахтда эски бозорлар ўрнида Шарқ ва Фарб малака-си уйғунлашган, жазирама ёз-у қаҳратон қишда сотувчи-ю харидорга бирдек қўлайлик яратилган замонавий иншоот-лар бунёд этилиши нима билдиради?

Бу — миллий тараққиёт белгиси.

Кеча одам оёқ босмаган оёқ жойларда барпо этилган интенсиф боглар бугун қўзни қувонтирди. Узукка қўйил-ган кўздай ярашган янглик.

Пахана ва яримпахана дарахтдан иборат интенсиф бог иккинчи йил ҳосил беради. Ўша йил гектарига 2-5 тонна, унчинчи йил эса, 5-10 тонна, тўртинчи йилдан сўнг 50 тоннадан зиёд мева етиштилади. Бу қўрсаткич маҳаллий богга нисбатан 2-3 баробар кўп, демак.

Бог-роғ ҳосилдор бўлишининг омиллари кўп, албатта. Мутахассислар фикрича, муҳим жиҳат — селекция иши тўғри йўлга қўйилиши ва махсулдор навлар яратилиши билан боглик.

Ўзбекистон богдорчилик, узумчилик ва виночилик ил-мий-тадқиқот институти айни шу жаҳда — Ўрта Осиёда-ги тўнчиқ илмий муассаса. Унинг пойдевори 1898 йил қўйилган. Ўшунда у Туркистон қишлоқ ҳўжалик тажриба станцияси, деб аталган. Бугунги кунга келиб, дунёнинг йирик тадқиқот марказлари билан узвий ҳамкорлик қила-ётган илм ва ижод ўчоғининг коллекцияси жуда бой. Узум-нинг 955 нави, олма, нок ва бехининг 1560 хили яна минглаб турфа экин тури унда жамланган.

Институт олимлари яратган узум ва мева-чеванинг 175 дан ортиқ нави диёримиз иқлимига мос ва мувофиқ бўлиб, кўп йиллик изланиш ва тадқиқот ҳосилсидир. Ҳозир унинг 70 дан зиёди жойларда экишга тавсия этилган.

Қаранг, ўтган ўн йил ичида олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик, олхўри, анор, ҳурмо ва узумнинг 53 хил янги нави яратилди.

Бу нима дегани?

Бу шу деганики, бугун одамлар ўз меҳнатидан завқ олиб ишлаётир. Эл-юрт ободлиги йўлида уйку билмай курашаётир.

2015 йил 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 милли-он 850 минг тонна полиз махсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етишти-рилди. Мамлакат ялпи ички махсулотиде кичик бизнес ва хусусий тадқиқорлар улуши 56,7 фоизга етди. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳар йили 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот етиштирилиб, шунинг 4 миллион тоннадан ортиғи экспорт қилинаётгани қувонarli, албатта.

Озиқ-овқат саноатининг бошқарув тизими ислох қили-ниб, "Ўзбеккозиковкатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзе-беккозиковкатзаҳира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаш-тирилган ташқи савдо компанияси ташкил топганини-чи!

Кўриниб турибдики, ҳар бир тизим изчил тартибга со-линмоқда, тўқислик ва мукамаллик касб этмоқда. Яъни, ҳар қайси жараён бир-бирини тўғдириб боради, алал-оқибат ахлит ва бир бутун тизимни ташкил этади. Сизнинг дастур-хонингизни беэаб турган ноз-неъмат шунинг махсулидир.

Халқчил ва оқилона сиёсат, миллатпарвар давлат, дега-ни шу.

Мамлакатимиздаги йирик шаҳарлар атрофидаги туман-лар бугун ноз-неъмат етиштиришга ихтисослашаётир. Дей-лик, илгари Нукусга водийдан картошка олиб келинган.

Табиийки, унинг қиймати шунга яраша бўлган.

— Ҳозир ҳаммаси ўзимизда етиштирилапти, — дейди ёзувчи Урозбой Абдурахмонов. — Нукус тумани мева-саб-завотчи бўлди. Ишлаб ётир. Бозорда нима десанг, бор. Арзон.

Яъни, фароғатчилик.

3.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўнлаб ту-манлар пахта етиштиришдан халос этилиб, узум, мева-чева, полиз ва сабзавот етиштиришга ихтисослаштирил-моқда. Бу — мамлакат қишлоқ ҳўжалигиде инқилоб, де-сак, хато бўлмайдми. Ўзбекистон ноз-неъмат пахтадан кўра қиммат ва бебаҳо. Чет элларда одамлар қовун-тарвузга шакар сеппиб ейди, бизда эса унинг мазаси тилни ёради.

Мен шу ҳақда ёзмок истаб, "Қашқадар: истиклол ара-фасиде", деган китобни қўлга олдим. Вожаби! Ахир, бугун мамлакатимизда кенг қўлоч ёйган ишлар ўша, қабристон-ларни бузиб, пахта экиш ҳақида кўрсатма бўлган 1986-1989 йилларда, Қашқадарде бошланган экан!

— Биз пахта яқна ҳаққончилигига чек қўйиш учун ҳам ноз-неъматлар етиштиришга бутун қўчимизни сафарбар эта-ямиз, — деб ҳўқоя қилади ўша вақт Қарши туманидаги 8-совхознинг агроучасткасига бош бўлган Лев Николае-вич Ким. — 1988 йилда шаҳарликлар дастурхонига 150 тонна полиз, 1000 тонна сабзавот, 2000 тонна картошка, тонналаб қовун-тарвуз тортиқ етдик...

— Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмиде ичкилик-бозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон тайёр-лашни тугатиш ҳаракати бошланди, — деб ҳўқоя қилади ўша вақт Китеб туманидаги "Китеб" ширкат ҳўжалиги раҳ-бари бўлган Зариф Бурҳонов. — Бориб-бориб, бу — бог-дорчиликка қарши курашга айланиб кетди.

Бизнинг ҳўжалик совхоз-завод ҳисобланиб, асосан, бог-дорчиликка ихтисослаштирилган эди. Ўзимиз етиштирган узумнинг бир қисмини қайта ишлаб, вино тайёрлардик.

Богларни бузиш, тоқзорларни илдириш билан кўпориб ташлаш ҳақида кўрсатма бўлди. Лекин шундай қилишга ҳеч қўлимиз бормади.

Ахир, мени ҳўжалик раҳбари сифатида ишга совуқ-қонликда қараганликда айблаб, масалан вилоят партия комиссиясида кўриб чиқилди, узумзорлар бузиб ташлан-магани учун партиявий ҳазо берилди.

Шундан кейин биз яна одатдагидай ишлайёвердик. Узум-зорларда кўл теккизмадик. Богбон қандай қилиб ўз боғи-ни бузиши мумкин, ахир?

1987 йил нафақат чўл зонасида, балки тоғли ҳудудлар-да ҳам богдорчилик учун қўлай келди. Фақат қўзининг яр-мига бориб, галвир сувдан қўтарилаётган пайтда, очиги, ўйланмай қолдик.

Яна айбдор бўлиб қолмаймизми?

Бу савол бизни бежиз қийнамаётган эди. Мазкур соҳага ҳамон ўғай кўз билан қараларди. Ҳеч қўлимизда вилоят-нинг янги раҳбари Исро Каримов бир мажлисда "боғдор-чилик нега оқсаяпти?", деган масалани кўтариб қолди.

Қўзининг охирида вилоят миқёсидеги йиғилиш бўлди. Кун тартибига қатор масалалар қўйилган бўлишига қара-май, Исро Абдуганиевич гални богдорчилик муаммолар-идан бошлади. Ва масъул шахсларни саволга тўтди:

— Хўш, вилоят бўйича узум ҳосилдорлиғи атиги 30 цент-нерга тушиб кетганини қандай баҳолаш мумкин? Умуман, богдорчилик борасиде йўл қўйилаётган ҳўжасизликка қачон барҳам берилди? Бизнинг вазифамиз — аҳолини йил бўйи турли-туман сифатли ноз-неъматлар билан таъминлашдан иборат. Бунинг учун эса соҳа мутахассислари келгуси йил ҳосили учун бугундан бошлаб жиддий тайёргарлик қўри-ши даркор. Раҳбарият томонидан бирор ердан керак бўлса, биз доим тайёрмиз.

У киши ўртага ташлаган бу саволлар биз богбонларни анчадан буён ташвишланиб қўйиб келган эди. Вилоят раҳ-барининг рағбатидан сўнг Марказнинг сиёсатига парво қўл-май, астойдил ишга киришдик. Натияжада 1988 йили вило-ятда узум ҳосили уч баробар ошди — жами 56 минг тонна узум, 180 минг тонна сабзавот олинди. Қашқадарё бу соҳалар бўйича республикада пешқадамлардан бири бўлди. Одамларнинг ишга бўлган муносабати кескин ўзгар-ди... Исро Абдуганиевич вилоят раҳбари бўлган даврда қаерга бормасин, ободончиликка, хусусан, дов-дарахт, бог-роғга алоҳида эътибор берарди. Мингчинор ва Миронига, бошқа тоғли ҳудудларга йўли тушганда, нинабаргли да-рахтларни кўпайтириш лозимлигини қайта-қайта тайинлар эди. Исро аханнинг жонқўярлиги туфайли вилоят ҳудуди-даги йўлларнинг икки тарафи дарахтзор қилинди, бог-роғлар яратилди, қўчалар обод этилди. Ҳар йили қўқлам-да оммавий равишда дарахт экиш хайрли анъанага айлан-ди. Шундай пайтларда у киши, нафақат баҳорда, балки қузда ҳам дов-дарахт экиш керак, деб таъкидларди. Ни-ҳоллар беҳато кўқарсин, ҳар бир экилган қўчанинг ўсиши ҳаммаша назорат қилинсин, дерди. Бог-роғларни узлуксиз парвариш қўлишга ундарди.

Бугун нафақат Қашқадарё заминининг, балки она Ўзе-бекистонимиз бағрида барқ уриб турган дарахтлар, боглар чорак аср олдинги ўзгаришлардан, юрт ободлиғи йўлида-ги фидойиликдан гувоҳлик бериб турибди...

Ўрол СОДИК,
журналист



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Қарордаги айни жумлаларни ўқир эканман, ёдимга бундан тўрт йил аввал бир танишим бошдан кечирган воқеалар тушади. Аввало, айтишим керакки, ишбилармонлик билан шуғулланиб, қўшни давлатларнинг бирида қўшма корхона ташкил этган бу танишимнинг оила аъзолари ҳар йили камида икки марта республикамизга келиб, соғлиқларига оид муаммоларни ҳал этиб кетишади. Айтишларича, ўзлари яшаётган давлатда тиббий муолажалар нисбатда қиммат бўлиб, у ерда, масалан, тиш қовағига "пломба" қўйдиришдан кўра, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётида юртимизга келиб, нафақат битта, балки ҳамма тишларига ҳам юқори сифатли муолажа олиб, ана самолётда қайтиб кетиш арзонроқ тушар экан...

Хуллас, шу оила бундан тўрт йил аввал Тошкентга тўнғин ўғлининг никоҳ тўйини ўтказиш учун келди. Маросим олди суҳбатларнинг бирида танишим менга — улар шуғулланган соҳа сирларига ақли етасиздай деган ўқитувчи қўйиладиган тўшунтириш: "Бизнесда сиз билан ишламоқчи бўлган шериклар, аввало, учта нарсага аҳамият беришади: офисининг аҳолига, қайси фирманинг кастом-шумини киёилиш-гизга ва юрадиган машинасининг русумига. Шунинг учун бу ёққа келишдан аввал машинамини алмаштиришга тўғри келди — 75 минг долларга "Lexus" олиб, "дом"нинг остига қўйиб келдим. Ишқилиб, тинч турсин-да, хали гараж масаласи ҳал бўлмаган..."

Тўй ўтган, танишим оиласи билан орта қайтиб ва орадан уч кун ўтиб аёли бизнинг уйдагиларга йиллаб телефон қилибди: етиб бориб қўйиш, "дом"нинг остига қўйиб келинган боғи қиммат машинани ўриб кетган экан. Наҳот изламаса, арз қилмаган жойи қолмабди.

Уша давлатнинг телеканалларида бериладиган, мамлакатдаги

Мустақиллик — тинчлик ва фаровонлик таянчи



криминоген вазиятдан ҳикоя қилувчи кўрсатувларнинг бир нечасида қўйидаги эътироф янграганига неча бор шахсан гувоҳ бўлдим: "Постсовет давлатларидан фақат Ўзбекистондагина машина ўғирлиги деган жиноятга қатъий чек қўй олинди, шу мамлакат фуқароларига бу масалада хотиржам яшашлари мумкин..."

Бу натижага эришиш осон бўлмаганини аса озгина виждоним бор ҳар қандай одам эътироф этиши аниқ. Бинобарин, бу ва ундан-да дахшатли қонунбузарликлар, фуқаролар ҳаёти ва тинчлигига жиддий ҳаф солувчи ҳаракат ва ҳолатлар қўпайиб кетган бир пайтда мамлакат раҳбари Ислам Каримов ўзининг дастлабки чиқишларида бошлаб бу ҳалокатли вазиятни тубдан ўзгартириш янги давлат ва жамият қуриш, демократик ҳокимиятни ташкил этишнинг муҳим шарти эканини таъкидлаган, бу йўлда мунтазам ва қатъий кураш олиб борган:

"Барча замоналарга ва халқларга хос бўлган энг асосий, энг муҳим, энг умумий мақсадни аниқлайдиган бўлсак, шунини тўла асос билан айтиш мумкинки, давлат пайдо бўлгандан буюн, инсон ўзининг ҳафсизлигини ҳимоя қилиш, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминлашини давлатдан кутади, ҳокимиятдан наҳот излайди. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, оқинини айтганда, бундан ҳокимият ҳеч қимга керак бўлмайди". (1990 йил 24 февралдаги маъруза. "Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида" китоби, 128-бет.)

Шуқрлар бўлсинки, ҳар бир инсон фақат бир маротаба келадиган бу ёруғ оламда хотиржам яшашимиз, виждонан меҳнат қилиб ҳалол ризқ топишимиз, болаларимизни эмин-эркин тарбиялаб, улайтиришимизнинг энг муҳим шарти бўлган қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, самимий муносабатлар муҳити она юртимиз Ўзбекистоннинг яна бир хос жиҳати, уникал ютуғига айланди. Қолаверса, жамиятимиздаги тинчлик, тотувлик, ўзаро ишонч руҳи ҳаётнинг барча жаб-халаридаги ўсиш-ўзгариш, такомил ва тўқиллигининг мустаҳкам кафолати бўлиб турибди.

Бу гаплар айримлар учун оддий, китобий, ҳар қуни эшитилган жумлалардек туюлиши мумкин, бироқ айни мулоҳазаларнинг замирига чуқурроқ назар солсангиз, сиз билан бизнинг ўлкамизда ана шундай доимий, қўнқилган нарсасига айланган муҳит — тинчлик ва хотиржамлик бугун жуда кўп ўлкалар учун, ҳатто, манаман деган давлатлар ҳамда уларнинг фуқаролари учун ҳам йиллаб ва йиллаб қўпайиб кетган тансиқ неъмат саналади.

Боғли танишим йўқотган бойлик — энгил машина-ку темирдан бўлган бир нарсаси, ўша одам яна бир неча йил жидду ҳафд билан ишлаб пул топса, ўрни тўлиши мумкин. Бироқ...

Бироқ Ироқда, Сурияда, Миср ва Ямандо, яна қанча-қанча узок-яқин давлатлар ҳудудидида рўй берган, охири кўринмайдиган одам-қушлар натижасида йўқотилганларни — юз минглаб инсонлар умрини нима билан, қандай жидду ҳафд билан қайтариб, ўрнини тўлдириб бўлади? Она юртида бир тишланонини тинч-гина ейиш, бирор кеча хотиржам ушлаш имкони бўлмаганидан ўзга юртларга бош олиб кетган, мана шу дарбадарлик асосида қанча-қанчаси йўлларда қурбон бўлганларнинг, денгизга чўкиб, сув йиртиқларига өм бўлганларнинг йўғу не эди? Миллионларнинг издан чиққан ҳаёти, тиркичилиги, вайронага айланган уй-жойи, пароканда бўлиб кетган оилалар тақдири учун энди ким жавоб беради? Орадан йиллар ўтиб, инсоният кўзи учун ўтказилган, бир-иккита ғаламисининг қамқоқ тақлиди билан ақунладиган халқаро трибуналлар ҳукми бу жароҳатларнинг қай бирига шифо қайинисига эм бўларкин?

Яқин Шарқ ва араб дунёсининг ақсарият мамлакатларида, бир пайтлар эртақларга кирган, "Боғдорда ҳамма ёқ тинч, ҳамма ёқ тинч", деган қўй-қўйиқ янграган шаҳару кентларда мингйиллик обидалар ер билан ақсон қилинган, масжидлар, мадрасалар, макбаралар, мактабу мал-ҳамхоналар портлатилган;

Европанинг қоқ марказида — Парижда, Брюсселда, Истамбулда юз берган қонли воқеалар, Америка, Африка, ҳатто олис Австралия қитъасидаги қирғинлар — буларнинг бари бугун бирор мамлакат халқаро терроризм ҳуруждан, ҳафлат ва маърифатсизлик балосидан, "демократия экспорт"дан, айни ҳаракатлардан ўзларининг ўзқоқа кетувчи мақсадлари йўлида усталлик билан фойдаланган қўнқилган йўғу хамласидан тўла ҳоли бўлмаслигини дарак бермоқда.

Шундай экан, қанча меҳнат, маб-лағ, қўнғ ва қатъий эъзизга она юртимизда эришганимиз тинчлик-хотиржамлик, бунёдкорлик муҳити кўз қорачиқдек асраш, ўнинг қадрига етиш ва туну қўн ҳимоя қилиш — барчамизнинг фуқаролик, қолаверса, инсонийлик бурчимиз бўлишини тақозо этади. Бинобарин, Ўзбекистоннинг ерости ва

ерусти бойлиқларига ўзининг тўла эғали қилиши, ўнинг тараққиёт потенциалли, тобора юқсалиб бораётган салоҳияти ҳориқдаги ҳам-мани ҳам бирдек қувонтиради, бу мустақил мамлакатнинг гуллаб-яшашини ҳамма ҳам бирдек қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаш — бориб турган соддалик, ҳатто, кечирилмас гўллик бўлур эди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида бизнинг, бизга қўшни давлатларнинг ҳудудидида ташкил этилган қўпуровчилик, юрт ва эл бузғунчилиги ниятида амалга оширилган қатта-кичик ҳаракатлар, аслида, бизнинг халқимиз бошига ҳам юқорида бир қисмини эслаганимиздек бошбошдоқ-қиларини солиш, мамлакатда бирордақушлик уруши оловини ёқиб ва бу оловда исиниш ниятида бўлган қўнқилган қирқорларни эди. Яратганга шукроналар бўлсинки, Ўртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб амалга татбиқ этилган қатъий ва аниқ қоратдирилган, миллият, ирқи, дини ва динатидан қатъи назар, миллионлаб кишилар манфаатини қўллаб юргизилган оқилона сиёсат бу дахшатли балоларни элимиз осмонидан артди, тинчлик ва барқарорлиқни жамият ҳаётининг бош мезонига айлантирди.

Бугун мустақил Ўзбекистон кенгликларидида неки эғу иш амалга ошаётган, ҳар йили ўш минглаб оила янги уй ва ҳовлиларга қўнқиб кириб, болаларининг тўйини хотиржам ўтказаятган, минглаб ишбилармон кишиларимиз янги-янги корхоналар ташкил этиб, ўзини ва юртини бой қилаётган бўлса, билайликки, ҳаммасининг негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақиллик оstonасидек асос солган — ўз мамлакатини ва халқи тинчлиги, оsonишталиги, бир бутунлиги ва ақдигилигини таъминлашга қаратилган доно, узокки

қўзловчи сиёсати турибди. ... "Рабочая трибуна" газетаси 1991 йилнинг июль ойи бошида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов билан қўнқилган суҳбатига "Демократия — қўнқилган ва шахсга ҳурмат демократия", дея сарлавҳа қўйган эди. Уша интервьюга ёзилган сўзбошидек Ўртбошимиз "Барча даражаларда ўз мавқини қаттиқ туриб ҳимоя қилади-ган инсон" сифатида эътироф этилади. Газета "Ўз мавқини", деган ибора оstonида Ўзбекистон раҳбарининг "Ўз сиёсий ва ҳаётий позициясини, ўз олдига қўйган мақсадларини, ўз республикасида амалга оширишга киришган ишларини", деган маънони назарда тутгани аниқ. Мазкур мулоқот сўнгида газетанинг "— Сизнинг ... мададнингиз борми?" деган саволига:

"— Бор, дейди табассум билан Ислам Абдуғаниевич. — Менинг уруғ-аймоғим — менга Президент бўлишни ишонч топишган халқидир. Халқ мендан ҳамма нарсани талаб қилишга ҳақли. Мен аса унга фақат битта илтимос билан — тинчлик ва тотувликда яшайлик, деган илтимос билан мурожаат қиламан. Ўзбекистон ватани билан ҳар бир киши бу ерда ўзини бой, эркин ва кучли республиканинг, улуг ишларга қодир бўлган буюк халқ ишайдиган қадимий маърифатли давлатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси, деб ҳис қилин". ("Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида" китоби, 356-357-бетлар.)

Бугун — орадан роппа-роса 25 йил ўтиб, ана Ўзбекистонимиз ва унинг халқи Ўртбошимиз ундаган ўша мақсадга — бой, эркин ва кучли республикага, улуг ишларга қодир бўлган, буюк халқ ишайдиган маърифатли давлатга, унинг тўла ҳуқуқли фуқаросига айландикки, бундан ҳар қанча ифтихор этсак, эрайди.

Раҳмон ҚўЧҚОР
ТДЮУ доценти,
филология фанлари
номзоди

Миллий матбуот марказида

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси томонидан "Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сўғурта соҳасининг ривожланиши ва эришилган натижалар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимиз сўғурта бозоридида 29 та сўғурта ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга 10 дан ортқ замонавий турдаги сўғурта хизматлари кўрсатилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, "Ўзбекинвест" компанияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида янги сўғурта бўлимларини очиб ва республика ҳудудларида фаолият географиясини кенгайтириш борасида доимий иш олиб бормоқда. Айни пайтда компания 14 та ҳудудий филиал ва 145 та бўлимлари орқали бутун республика бўйлаб ўз хизматларини тақдим этиб келмоқда. Жумладан, "Транспорт востилари эғларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сўғурталаш", "Бахтсиз ҳодисалардан сўғурталаш", "Тиббий сўғурта", "Мол-мулк сўғуртаси" каби 10 турдаги сўғурта маҳсулотини интернет орқали сотиб олиш имконияти яратилган.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳуқуқий маслаҳатхона



— АСРАБ олинган фарзанд парварлиги учун ҳам оналик таътилига чиқиш мумкинми?

М.ЎРИНОВА,
Касби тумани

— Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 235-моддасига асосан, янги тутилган болаларни бевосита туғуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола тутилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун, (икки ёки ундан ортқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда аса етмиш календарь кун) ўтгунга қадар давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил бериллади. Бундан ташқари, бундай шахсларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар қўшимча таътиллари ҳам бериллади.

— МЕН бола асраб олмакчи эдим. Уни фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

С.САФАРОВ,
Касби тумани

— Адлия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мқ-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"нинг 70-бандига асосан фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига суднинг қонуний қўнғи қилган ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олувчининг тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома-си, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади. Фарзандликка олувчилар икки ёки ундан кўп болани бир вақтда фарзандликка олган ҳолларда ҳар бир бола учун алоҳида суднинг ҳал қилув қарори тақдим этилади.

Саволларга Касби туман ФХДЭ бўлими мудираси Нилуфар УМАРОВА жавоб берди.

Ҳурматли юртдошлар!



"Асака" банк

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик кўни" байрами муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК — 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг бериллади.



Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қўлай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусовод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-67
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармомиягиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

Эълонлар

Танлов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тизимига кирувчи ФХДЭ бўлимлари ҳамда давлат нотариал идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган тахминий дастур ижросини таъминлаш мақсадида Шўрчи ҳамда Шеробод туман ФХДЭ бўлими ва давлат нотариал идорасининг янги биноси қурилиши учун 1 миллиард 200 миллион сўм ажратилган.

Оқорида кўрсатилган бино бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш институт-ларига танлов эълон қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2016 йил 5 августдан бошланади.
Манзил: Термиз шаҳар, С.Саодат кўчаси, 40-уй. Тел: (0376) 223-18-23.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисидаги" Қонуни 131-моддасига мувофиқ вазирлигининг 2016 йил 2 августдаги 228-ум-сонли буйруғига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар хайъати адвокати Курбанов Марат Туребаевич ушдан ошмайдиган муддатта бошқа адвокатлик тузилмасини ташкил этгунга қадар ёхуд мажбур адвокатлик тузилмаларидан бирига юргунли қадар бўлган давргача адвокатлик лицензияси ва адвокатлик маҳони тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисидаги" Қонуни 17-моддасига асосан "DOMINANT TRUST" адвокатлик бюроси адвокати Урмулов Руслан Рустамович вазирлигининг 2016 йил 4 мартда берилган QR №000162-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик маҳони Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 2 августдаги 227-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатилади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ адвокат Шукрulloев Кандиннинг "Қўн адолатда" адвокатлик фирмаси муассислари таркибига кириш муносабати билан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 5 августдаги буйруғига асосан адвокатлик маҳони (адвокатлик гувоҳномаси №295, 05.08.2016 й.) берилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисидаги" Қонуни 16-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 28 июлдаги 4-сон қарорига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар хайъати адвокати бўлган Отоев Рамзулла Абдуллаевич вазирлик томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000020-сонли адвокатлик лицензияси ва адвокатлик маҳонининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 29 июлдаги 220-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатилади.

"SHARINA-ZARINA" адвокатлик бюроси адвокати Урамулбекова Дилноза Батталаевичнинг 2014 йил 25 ноябрда берилган QR №000173-сонли адвокатлик лицензияси ва адвокатлик маҳонининг амал қилиши тўғрисидаги ҳамда вазирлик томонидан 2015 йил 20 январда берилган 238-сонли адвокатлик гувоҳномаси ўз қўнни йўқотган деб ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 26 апрелдаги мажлис қарорига асосан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик маҳони 3 ой муддатга тўхтатилган Термиз шаҳридаги "Малак" адвокатлик фирмаси адвокати Саидуллоев Шохирон Курбановичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик маҳони ушбу муддат ўтганига муносабат билан бошқарманинг 2016 йил 27 июлдаги 123-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатилади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 июлдаги буйруғига асосан Чирокчи туманидаги "Хайрулла Бутуевнинг бошқармаси" адвокатлик бюроси адвокати Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигининг 2009 йил 19 июнда берилган QR №00010-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва 249-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 1 августдаги 301-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Гинсов Хамза Музаффарович Самарқанд шаҳридаги "SAM-AVANGARD-LEGAL" адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик маҳони тўхтатилади.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 июлдаги 84-ум-сонли буйруғига асосан Қизилтепа туманидаги "НИМОДА" адвокатлик бюроси тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 июлдаги 299-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI" адвокатлар хайъатининг адвокати Нуруллоева Мамлакат Сайфиевна адвокатлик маҳони тўхтатиб турган 3 ой давомида адвокатлик фаолиятига киришмаганига сабабни унинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000281-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва унинг адвокатлик маҳони тўхтатилади.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январь
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
технологиялари
0001-рўқаси билан
рўқасида омонат

Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Аявар
Акрамович
Очилов Алжон
Мухаммадиев
Мамалатаев Зайниддин
Очилов
Эргашева Дилфуза
Рустамовна

Навбатчи
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр яндекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳафда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйда chop этилди